

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МУСОЕВА АЗИЗА БОТИРОВНА**

**БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ  
МАҲОРАТИНИ CEFR ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
(инглиз тили мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Pedagogical Sciences**

**Мусоева Азиза Ботировна**

Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали  
шакллантириш ва ривожлантириш (инглиз тили мисолида)..... 3

**Мусоева Азиза Ботировна**

Формирование и развитие профессиональных навыков будущих учителей  
иностранного языка посредством CEFR (на примере английского языка) .... 27

**Musoyeva Aziza Botirovna**

Formation and Development of Professional Skills of Future Foreign Language  
Teachers Through CEFR (with specific reference to English) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МУСОЕВА АЗИЗА БОТИРОВНА**

**БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ  
МАҲОРАТИНИ CEFR ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
(инглиз тили мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped1562 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тухтасинов Илхомжон Мадаминович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рашидова Феруза Мусаевна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Тўхтаева Қўйсин Давлатовна  
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “12” октябрь соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-ўй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz). Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№61230 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-ўй. Тел: (99866) 238-29-37

Диссертация автореферати 2022 йил “29” сентябр куни тарқатилди.  
(2022 йил “29” сентябр даги № 47 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

Д.А.Киселёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, филология фанлари доктори, доцент

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим тизимини сифат жиҳатдан ислоҳ қилиш, олий таълимга турли хил педагогик инновациялар олиб кириш ва уларни амалиётга кенг жорий этиш ҳамда илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу жараён олий ўқув юртларида хорижий тилларни ахборот ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда тилнинг лисоний ҳамда ижтимоий-маданий жиҳатларини мукамал ўзлаштирган юқори малакали кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжни оширмақда. Таълим муассасаларида ўқитишнинг илғор усулларини жорий этиш, бўлажак мутахассисларнинг хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини юксалтириш, кенг қамровли ёндашув асосида талабаларда хорижий тил кўникмаларини ривожлантириш ҳамда бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилувчи дастурларни илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Европа тажрибасида дунёнинг кўзга кўринган ташкилотлари томонидан кўмиталар, ассоциациялар, илмий-текшириш институтлари тузилиб, улар олиб борган тадқиқотларни умумлаштирилган ҳолда CEFR (Common European Framework of References – Умумевропа Тилларни Ўрганиш, Ўқитиш ва Баҳолаш) талаблари ва тавсиялари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартнинг юртимизда амалиётга жорий этилиши таълимнинг ҳар бир босқичида тилни ўзлаштириш сифатини такомиллаштириш, бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини юқори савияда шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини кўрсатмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда инглиз тилини ўқитиш масаласида рақобатдош кадрларга бўлган талабни ортиши сабаб умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг тил билиш даражаси, индивидуал касбий ривожланиш траекторияси ва иш тажрибасидан келиб чиқиб малака ошириш дастурларини амалиётга жорий этиш эҳтиёжи юзага келди. Мамлакатимизда чет тилини, хусусан, инглиз тилини чуқур ўқитишга эътибор ошиб, ҳозирда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хусусан, «Аҳоли орасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва уларни мукамал ўзлаштириш учун зарур шароитлар яратиш, хорижий тилларни ўқитишнинг халқаро тан олинган дастур ва дарсликлари таълимнинг барча босқичларида жорий этилишини мувофиқлаштириш ҳамда ўқитувчиларда замонавий ўқитиш кўникмаларини ривожлантириш»<sup>1</sup>га устувор йўналиш сифатида қаралган. Шунингдек, қарорда чет тилларни ўрганишнинг халқаро стандартларга мувофиқ тарзда олиб борилиши, баҳолашнинг миллий тизимини яратиш ва чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш вазифалари белгилаб қўйилган.

---

<sup>1</sup>2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармони, 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январ ҳамда 2020 йил 29-декабрда Олий Мажлисга мурожаатномалари ва Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий мамлакатларда CEFR тизимида тиллар бўйича имтиҳон ўтказиш қўлланмаси (инг. Manual for Relating language examinations to the CEFR) Н.Фигуэрас, Б.Норз, С.Такала, Н.Верхелст, П.Ван Аверметлар томонидан ишлаб чиқилган<sup>2</sup>, шунингдек, Ж.Трим, П.Валакс, Д.Литл, Ф.Фаез, Н.Нагаи ва Оьдоер, М.Мунен, Б.Авалос каби бир қатор олимлар бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишда CEFRнинг аҳамияти ҳақида илмий ва назарий фикрларини илгари суришган<sup>3</sup>. Унинг таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари Ж.Алдерсон, Э.Шоҳами,

---

<sup>2</sup> Figueras N., North, B., Takala S., Verhelst N., van Avermaet P. Relating examinations to the Common European Framework: A manual // Language Policy Division. – Strasbourg: Council of Europe, 2004. – 200 p.

<sup>3</sup> Trim J. L. M. Modern languages in the Council of Europe 1954-1997. – Strasbourg: Council of Europe, 2007.; Valax P. The Common European Framework of Reference for languages: A critical analysis of its impact on a sample of teachers and curricula within and beyond Europe. PhD diss. University of Waikato, 2011; Little D. The Common European Framework of Reference for Languages: A research agenda // Language Teaching, 44(3), 2011. – P. 381-393; Faez F., Majhanovich S., Taylor S., Smith M., & Crowley K. The power of “Can Do” statements: Teachers’ perceptions of CEFR-informed instruction in French as a second language classrooms in Ontario // The Canadian Journal of Applied Linguistics, 14(2), 2011. – P. 1-19; Nagai N., & O’Dweyer F. The Actual and Potential Impacts of the CEFR on Language Education in Japan // Synergies Europe, 6, 2011. – P. 141-152; Moonen M., Stoutjesdijk E., de Graaf R., & Corda A. Implementing CEFR in secondary education: Impact on FL teachers’ educational and assessment practice // International Journal of Applied Linguistics, 23(2), 2013. – P. 226-246; Avalos, B. Teacher professional development in Teaching and Teacher Education over ten years // Teaching and Teacher Education, 27(6), 2011. – P. 10-20.

В.Мартиник, К.Савски, Ж.Веир, Г.Вестоф, Г.Фалчер, Й.Жин ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>4</sup>.

Н.Д.Гальскова, И.А.Зимняя, А.Н.Щукин, Р.П.Дондокова, М.Селсе-Марсия, Д.К.Нгуйен каби олимларнинг илмий ишларида бўлажак чет тили ўқитувчиларининг маҳоратини оширишда тил компетенцияларининг аҳамияти, “компетенция”, “компетентлик” ва “компетенциявий ёндашув” каби тушунчаларни кенг оммалаштиришга хизмат қилган ҳамда коммуникатив компетенцияни ривожланишига доир фикрлар илгари сурилган<sup>5</sup>.

Мамлакатимизда Ж.Ж.Жалолов, Т.К.Сатторов, Л.А.Аҳмедова, М.Т.Ирискулов, Ф.М.Рашидова, И.М.Тухтасинов, Г.Т.Маҳкамова ва Ш.С.Ашуров каби олимларнинг тадқиқотлари ҳам хорижий тилларни ўқитиш методикасига оид муаммоларни CEFR тавсияларига асосланиб бартараф этишда ҳамда чет тиллар бўйича давлат стандартининг татбиқ этилишига бағишланган илмий-амалий изланишлари билан алоҳида эътиборга молик<sup>6</sup>.

Ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш, педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни оширишнинг ахборот-методик таъминотини ривожлантириш юзасидан Х.А.Маматкулов, Б.Г.Кулматов, К.Ж.Рискулова,

---

<sup>4</sup> Alderson J. C., Figueras N., Kuijper H., Nold G., Takala S., & Tardieu C. Analysing tests of reading and listening in relation to the Common European Framework of Reference: the experience of the Dutch CEFR Construct Project // *Language Assessment Quarterly*, 3(1), 2006. – P. 3-30; Shohamy E. Assessing multilingual competencies: Adopting construct valid assessment policies // *Modern Language Journal*, 95(3), 2011. – P. 418-429; Martyniuk W. (Ed.). *Aligning Tests with the CEFR: Reflections on using the Council of Europe’s draft Manual* – Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – 150 p.; Savski K. Local problems and a global solution: examining the recontextualization of CEFR in Thai and Malaysian language policies // *Language Policy*, 2020. – P. 527-547; Weir J. C. Limitations of the Common European Framework for developing comparable examinations and tests. *Language Testing*, 22(3), 2005. – P. 1-20; Westhoff G. Challenges and opportunities of the CEFR for reimagining foreign language pedagogy // *The Modern Language Journal*, 91(4), 2007. – P. 676-679; Fulcher G. The reification of the Common European Framework of Reference (CEFR) and effect-driven testing. In A. Psyltous-Joycey & M. Matthaioudakis (Eds.) // *Advances in Research on Language Acquisition and Teaching*, 2010. – P. 15-26; Jin Y., Wu Z., Alderson J. C., & Song W. Developing the China Standards of English: Challenges at macropolitical and micropolitical levels // *Language Testing in Asia*, 7(12), 2017. – P. 1-20.

<sup>5</sup> Гальскова Н.Д. Современная цель обучения иностранным языкам: от комплексного подхода к интеграции// Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАО Инессы Львовны Бим. – М.: «Просвещение», 2013. – С. 25-34.; Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования // *Эксперимент и инновации в школе*. – 2009. – № 2. – С. 7-9; Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. теория и практика: учебное пособие для преподавателей и студентов/А. Н. Щукин. - 4-е изд. – М.: «Филоматис»: Омега-Л, 2010. – 475 с.; Дондокова Р.П. Сущностная характеристика и структура коммуникативной компетентности // *Вестник Бурятского Государственного университета*, 2012. – С. 19; Celce-Murcia. Rethinking the role of communicative competence in language teaching. In Soler and Jorda (Ed). // *Intercultural language use and language learning*. – Spain: Springer, 2008. – P. 41-57; Nguyễn D. K. Today’s teachers’ CEFR competence in the classroom – a view of critical pedagogy in Vietnam // *Theory or history of science*, vol. XV Ed., 2018. – P. 121-138.

<sup>6</sup> Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси; чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – 432 б.; Сатторов Т.К. Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. – Т.: 2003. – 51 б.; Аҳмедова Л.Т., Кон О.В. Методика преподавания русского языка. – Т.: «Фан ва технология», 2013. – 240 с.; Ирискулов М.Т. Чет тилларнинг ўқитишда CEFR ўрни // *Узлуксиз таълим журналы*. №1. – Т.: 2016. – Б. 77-83; Рашидова Ф.М. Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида CEFRни татбиқ этишнинг концептуал-методик асосларини такомиллаштириш (инглиз тили мисолида). Автореф. пед. фан. докт. (DSc) – Т.: 2017. – 67 б.; Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ходисаси асосида ривожлантириш. Автореф. пед. фан. докт. (DSc) – Т.: 2018. – 66 б.; Жалолов Ж.Ж., Маҳкамова Г.Т., Ашуров Ш.С. English language teaching methodology. «Фан ва технология» нашриёти. – Т.: 2015. – 338 б.

А.Х.Маҳмудов, К.Ш.Мурадқасимова, С.А.Зияева, П.Х.Оманов томонидан чет тилини ўқитишда етишиб чиқаётган ёш кадрларнинг касбий малакасини шакллантириш муаммолари ўрганилган<sup>7</sup>. CEFRни амалиётга жорий қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган, ammo бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан муаммолар кўриб чиқилмаганлиги ишнинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Олий таълим тизимини ривожлантириш жараёнига интеграллашган ёндашув” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

бўлажак чет тили ўқитувчилар касбий маҳоратини CEFR орқали ривожлантиришда компетенцияларнинг назарий-услубий аҳамиятини мамлакатлар мисолида кенг кўламли ўрганиш;

бўлажак чет тили ўқитувчилари касбий маҳоратини ривожлантиришга хизмат қилувчи баҳолаш мезонларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали такомиллаштиришда тизимли машқлар тўпламини яратиш;

CEFRни амалиётга тўлиқ татбиқ этишнинг амалдаги муаммоларини аниқлаш, керакли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак чет тили ўқитувчилари 3-4 босқич бакалавр талабаларининг касбий маҳоратини CEFR орқали шакллантириш ва ривожлантириш жараёни танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) йўналиши битирувчи босқич талабаларининг касбий маҳоратини CEFR орқали шакллантириш ва ривожлантиришнинг мазмуни, шакл ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик мониторинг, сўровнома, математик-статистик таҳлил қилиш ва умумлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

---

<sup>7</sup> Маматкулов Х.А. Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш. Дисс. пед. фан. фал. докт. (PhD) – Т.: 2007. – 159 б.; Кулматов Б.Г. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Автореф. пед. фан. фал. докт. (PhD) – Т.: 2018. – 45 б.; Рискулова К.Ж. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими. Автореф. дисс. пед.фан.фан.док. – Тошкент.: – 2017. – 64 б.; Маҳмудов А.Х. Бўлажак магистрларни компетентли тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш. Автореф. пед. фан. докт. (DSc) – Т.: 2017. – 69 б.; Мурадқасимова К.Ш. Инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг кўникма ва малакаларини баҳолаш хусусиятлари: Дисс. пед. фанлар. номзоди. – Т.: 2019. – 179 б.; Зияева С.А. Лингвистик олий таълим муассасалари талабаларини немис тилида ўқитишда социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш. Автореф. пед. фан. докт. (DSc). – Т.: 2020. – 72 б.; Оманов П.Х. Инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш. Автореф. пед. фан. фал. докт. (PhD) – Т.: 2021. – 54 б.



бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали ривожлантиришда миллий менталитетни кўзда тутувчи ахборот-методик таъминот миллий концепцияда акс этган тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш каби интегратив кўникмаларни татбиқ этувчи ўқувчига марказлаштирилган дидактик воситалар асосида такомиллаштирилган;

“Тил бўйича билимларни баҳолаш турлари ва мезонлари” модулининг мазмуни интегративлик тамойилларига асосланган бўлажак ўқитувчилар учун муҳим бўлган компетенциялар ўқитиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интенсиф-инноватив, фаол ва интерфаол машқ ва топшириқларни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ошириш учун мустақил таълим (self study) ҳамда ўз-ўзини баҳолаш (self-assessment) кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар тизими аутентик материаллардаги овозли, визуал ва нашрли воситаларга кўп босқичли педагогик ишлов бериш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак чет тили ўқитувчиларининг CEFRда қайд этилган умумий ва коммуникатив тил компетенциялари ҳамда унда кўрсатилмаган компетенцияларни “pre-service” ва “in-service” дастурлари асосида ривожлантиришнинг дидактик таъминоти яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хорижий тил ва адабиёт йўналиши 4-курс талабалари учун “Integrated course of teaching foreign languages” номли ўқув қўлланма яратилган;

CEFR ҳақидаги билимларни бойитишга қаратилган “Чет тилларни билишнинг миллий баҳолаш тизими” тестини топширишда юзага келувчи қийинчиликларни бартараф этишга мўлжалланган “Тинглаб тушуниш”, “Ўқиш”, “Ёзиш”, “Гапириш” кўникмаларини, шунингдек, “Лексик ва грамматик” ҳамда касбий компетенцияларни шакллантирувчи машқ ва вазифалар тизими такомиллаштирилган;

“Мустақил таълим” кўникмаларини оширишга хизмат қилувчи “Independent study skills” номли ўқув қўлланма ва электрон дарслик ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган методик тавсиялар бўлажак чет тил ўқитувчиларининг касбий, рақамли, илмий тадқиқот олиб бориш ва баҳолаш компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилувчи омилларни инобатга олишнинг аҳамияти назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ва коммуникатив тил компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган машқ ва топшириқлар тизими ҳамда “Integrated course of teaching foreign languages” ўқув қўлланмасидан 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) ҳамда 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) йўналишлари талабалари, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларида ва шу соҳа бўйича ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълимда бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали шакллантириш ва ривожлантириш бўйича олинган натижалар:

CEFR ҳужжатида келтирилган талабларни Ўзбекистон тажрибаси билан уйғунлаштирган ҳолда ўзига хос миллий менталитетни кўзда тутувчи ахборот-методик таъминотни таълим жараёнига татбиқ этишга асосланган тадқиқот натижаларидан Европа Иттифоқи томонидан Эрасмус+ дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 21 октябрдаги 2669/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак чет тили ўқитувчиларининг лингвистик ва коммуникатив компетенциясини ошириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ҳамда халқаролаштиришга эришилган;

миллий менталитетни кўзда тутувчи ахборот-методик таъминот тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш каби интегратив кўникмаларни татбиқ этувчи ўқувчига марказлаштирилган дидактик воситалар ёрдамида ишлаб чиқилган миллий концепциядаги тавсиялардан Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси “Таълим ва тараққиёт” кўрсатувининг 2021 йил 19 октябр куни эфирга узатилган сони сценарийсига киритилган ҳамда уни тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 3 ноябрдаги 01-11/534-сон маълумотномаси). Натижада CEFRнинг чет тили ОТМлари тизимидаги ўрни ва аҳамиятининг илмий жиҳатлари ва илмий-амалий ҳамда методологик ғоялари оммалаштирилган ва томошабинлар учун тайёрланган материаллар мазмунини бойишига хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ўқитиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интенсив-инноватив, фаол ва интерфаол машқ ва топшириқлар орқали такомиллаштиришга қаратилган натижалар “Integrated course of teaching foreign languages” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-253-сонли нашр гувоҳномаси). Натижада хорижий тил ва адабиёти, филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналишлари талабаларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш, инглиз тилида тинглаб тушуниш, ўқиш,

ёзиш, гапириш кўникмалари, луғат бойлиги ва касбий билимини оширишга хизмат қилган;

CEFR талабларини аутентик материаллардаги овозли, визуал ва нашрли воситаларга кўп босқичли педагогик ишлов бериш орқали ишлаб чиқилган мустақил таълим кўникмаларини ривожлантириш ва ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини оширишга қаратилган тадқиқот натижалари “Independent study skills” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги нашр гувоҳномаси). Натижада хорижий тил ва адабиёти таълим йўналиши талабаларининг мустақил таълим кўникмаларини ривожлантириш ҳамда касбий маҳоратини аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил таълим (self study) ва ўз-ўзини баҳолаш (self-assessment) кўникмаларини янада такомиллаштириш ва касбий билимини оширишга хизмат қилган;

бўлажак чет тили ўқитувчиларининг коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга мўлжалланган услубий қўлланмалар, фан дастурлари, аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил таълим (self study) ва ўз-ўзини баҳолаш (self-assessment) кўникмаларини ўстиришга қаратилган материаллардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа Иттифоқининг TEMPUS дастури 2014-2016 йилларга мўлжалланган Tempus Project 544161- TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University DeTEL “Developing the Teaching of European Languages: Modernizing Language Teaching through the development of blended Masters Programmes” лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 21 октябрдаги 2668/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштиришга хизмат қилган;

CEFRда қайд этилган умумий ва коммуникатив тил компетенциялари ҳамда унда кўрсатилмаган компетенцияларни “pre-service” ва “in-service” дастурлари асосида ривожлантиришга қаратилган тадқиқот натижаларидан Самарқанд давлат чет тиллар институти томонидан 2014-2015 йилларда амалга оширилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида институтнинг ўқув жараёни ва халқаро лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 21 октябрдаги 2675/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали шакллантириш ва ривожлантиришнинг интегративлик тамойиллари ўқув жараёнига мослаштирилган ҳамда мутахассислик предметини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та Республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-услубий иш чоп этилган. Шулардан 2 та ўқув қўлланма ва 1 та электрон дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация тадқиқотларининг натижалари бўйича чоп этишга тавсия этилган ҳамда юқори импакт факторли илмий журналларда 9 та мақола: 6 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда илмий янгилиги асосланган, ишнинг асосий мақсади ва вазифалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг назарий, амалий аҳамияти аниқланган, тадқиқотнинг ишчи фаразига таъриф берилган, асосий тадқиқот услублари кўрсатиб ўтилган, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатларга изоҳ берилган, тадқиқот материалларининг жорий қилиниши натижалари қайд этилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида CEFRнинг асосий мазмуни ва уни татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари жаҳон мамлакатларида жорий этиш мисолида батафсил кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 12 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон Қарори CEFRни мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида жорий қилинишига асос бўлди. Мазкур дастур яратилгандан бери кўплаб мамлакатлар таълим тизимига аста-секин кириб борди ва ўз таъсирини кўрсатди. CEFR дастлаб ўқитиш, ўрганиш ва баҳолашда Европа миқёсида дастури амал бўлган бўлса-да, кейинчалик у бутун дунёда ўз ўрнини топа олди. Сабоби ушбу ҳужжат фақатгина бир тил доирасида эмас, балки дунёдаги барча тилларни ўқитишда бирдек хизмат қилиши, унинг шаффофлиги ҳамда турли контекстларда ва тилларни ўқитишда муҳим восита эканлигида ўз исботини топди. CEFRнинг асосий мақсади уни турли тиллар контекстида ўрганиш, миллатлараро маданий алоқаларни ривожлантириш, таълим соҳасида бўлаётган ислохотларни янада кенгайтириш, давлатлар ўртасидаги таълимга оид муносабатларни мустаҳкамлаш ва тадқиқ қилиш ҳисобланади.

CEFR кўплаб мамлакатларнинг таълим тизимига татбиқ этилганига қарамасдан, тадқиқотчилар унинг устида ҳамон иш олиб боришмоқда. Н.Фигуереснинг таъкидлашича, “CEFRнинг самараси тўғрисида мунозаралар, музокаралар ва семинарлар ўтказилса-да, ушбу дастурни тўлақонли равишда аудиторияларда ёки ўқув материалларида қўлланилмоқда деб айтолмаймиз”. Шунингдек, олим CEFRни жорий этиш муваффақиятининг

икки омилини санаб ўтади. Бунда у биринчи омил сифатида ҳам геосиёсий ҳам илмий сабабни илгари суради, бу эса тилни ўқитишни янада амалий жиҳатдан такомиллаштириш ва унинг умумий терминологиясини яратиш заруриятига урғу беради. Иккинчи омил сифатида эса мазкур дескрипторларнинг ижобий таҳлили ва унинг мультимодалитация ва мослашув учун очик бўлганлигини келтиради<sup>8</sup>. Демак, CEFRнинг баҳолаш тизими шунчалик аниқки, уни турли хил имтиҳонларга мослаштириш ва ундан унумли фойдаланиш мумкин, бу эса ҳозирги кўпгина тадқиқотларнинг асосий мавзуси ҳисобланади.

Кўпгина давлатларда ўқитувчиларнинг CEFR ҳақидаги фикрлари ҳақида сўровнома ўтказилганда, уларнинг муносабатлари турлича эканига гувоҳ бўлиш мумкин. Шу сабабли айнан шу соҳада тадқиқот олиб борган олимлардан бири Б.Норзнинг таъкидлашича, “Ўқитувчиларнинг CEFRга нисбатан нуқтаи назарлари баъзан юзаки бўлиб, улар фақатгина олти тил билиш даражаларига эътибор қаратадилар ва натижада уни Европа Тиллари Портфолиоси билан адаштирадилар”<sup>9</sup>. Яъни, улар CEFRни шунчаки А1 дан С2 гача бўлган тил билиш даражаларидан бошқа нарса эмас деб тушунишади, бу эса мутлақо янглиш фикрдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимидаги ислохотлар чет тилларни ўқитишда янгича ёндашувларни талаб қилмоқда. Шулардан бири коммуникатив методикага асосланган чет тилларни ўқитиш принципларини амалиётга жорий қилишдир. Ҳеч кимга сир эмаски, авваллари грамматик таржима усули (Grammar translation method (GTM)) устувор эди. Президент Қарори 2012 йилдан бошлаб CEFRни мамлакатда амалга оширишга замин яратди, натижада CEFR дастури давлат тилига таржима қилиниб, мамлакатда чет тилларни ўқитиш, ўрганиш ва баҳолашда хизмат қиладиган ҳужжатга айланди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида” 2013 йил 8 майдаги 124-сон қарори қабул қилинди. Унда ҳар бир таълим босқичи якунида ўқувчилар учун маълум даражаларни эгаллашга тавсиялар берилган. Бу эса, CEFRни А1 дан С1 даражасигача маҳаллий босқичга қабул қилиш кераклигидан далolat беради. Бунинг сабаби шундаки, С1 даражаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тил билишнинг энг юқори даражаси деб белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, халқ таълими муассасаларида биринчи синфдан бошлаб мунтазам равишда чет тилларини ўқитиш бўйича янги ўқув дастурлари тасдиқланди. Ўқувчиларнинг тилларни ўрганиш қобилиятини аниқлашга қўйиладиган талаблар CEFR халқаро стандартларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилди ва ривожлантирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилдаги 187-сон Қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилди ва Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида Давлат Таълим Стандартларига асосланган ҳолда чет тилини

<sup>8</sup> Figueras N. The impact of the CEFR // *ELT Journal*, 66(4), 2012. – P. 479.

<sup>9</sup> North B. The relevance of the CEFR to teacher training // *Babylonia*, 2(8), 2008. – P. 56.

ўрганиш босқичлари амалга оширилиши белгилаб қўйилди (унда А1 дан С1 гача мутахассис ва номутахассисларга мослаштирилган ҳолда даражалар мезонлар асосида берилган).

CEFR асосида яратилган интегратив кўникмаларнинг миллий тизими нафақат чет тилини ўрганишда, балки таълимнинг барча умумтаълим фанларида ҳам жорий қилинди. Бунинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6-апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарорининг қабул қилинишини кўрсатишимиз мумкин. Мазкур қарорнинг мақсади ҳам айнан умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни ташкил этишдир. Қарорга асосан 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб, мазкур стандартлар барча ижтимоий ва аниқ фанларда жорий этилди ва ҳар бир фаннинг мавзулари даражаларга бўлинган ҳолда табақалаштириш йўлга қўйилди.

Дастлаб CEFR дастури “Европа фуқаролиги учун тил ўрганишни рағбатлантириш” воситаси сифатида жорий этилган. CEFR аслида Европада катта ёшдаги тил ўрганувчилар учун умумий кредит тизими бўлиши керак эди<sup>10</sup>. Европа Кенгашининг фикрига кўра, унинг жорий қилинишига сиёсий туртки сабаб бўлиб, у ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда миллатчиликни йўқотиш” учун қабул қилинган<sup>11</sup>. Ишлаб чиқилганидан буён дастур Европада ва кейинчалик бутун дунёда сезиларли таъсирга эга бўлди. Алдерсоннинг таъкидлашича, CEFRнинг нашр этилиши “Европа тил таълими саҳнасидаги энг муҳим воқеа” ҳисобланади<sup>12</sup>.

Бироқ, CEFRнинг ўзига хос чекловлари унинг Европада ва дунёнинг бошқа мамлакатларида қўлланилишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мазкур чекловлардан бири бу CEFR тавсифловчи схемаси ва тил билиш даражалари дескрипторини ўрганишга қаратилган эмпирик тадқиқотларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Бу борада Ж.Андерсон қайд этганидек, “Иккинчи тилни ўзлаштириш бўйича 30 йиллик изланишлар натижасида олинган эмпирик тадқиқотлар”га етарлича эътибор берилмаган<sup>13</sup>. Умуман олганда, тил таълимида иккинчи ва чет тилларини билиш даражаси қандай ривожланаётганини яхшироқ англаш CEFR учун ҳақиқатан ҳам фойдали ҳисобланади.

<sup>10</sup> Council of Europe. The Common European Framework of Reference for Languages: Learning, teaching, assessment. Cambridge: Cambridge University Press, 2001. – 273 p.

<sup>11</sup> Fulcher G. The reification of the Common European Framework of Reference (CEFR) and effect-driven testing. In A. Psytou-Joycey & M. Matthaoudakis (Eds.) // Advances in Research on Language Acquisition and Teaching, 2010. – P. 15.

<sup>12</sup> Alderson J. C. Diagnosing Foreign Language Proficiency: the interface between learning and assessment. – London: Continuum, 2005. – P. 275.

<sup>13</sup> Alderson J. C. The CEFR and the need for more research. The Modern Language Journal, 91(4), 2007. – P. 660.

CEFRдан фойдаланиш билан боғлиқ яна бир муаммо Ж.Боннет таъкидлаганидек, “Сифатни таъминлаш ёки CEFR даражаларини тартибга солиш”дир<sup>14</sup>. Масалан, “имтихон ўтказувчилар, дарсликлар нашр этувчилар ва ўқув дастурларини яратувчилар CEFR ва улар ишлаб чиққан тавсиялар ўртасида ўзаро боғлиқлик бор дея даъво қилишади, аммо уларнинг даъволарини қўллаб-қувватлаш учун жуда кам эмпирик далиллар мавжуд”<sup>15</sup>.

CEFRнинг таълим жараёнига таъсири катта бўлса-да, камчиликлардан ҳоли эмас. Бунга мисол, Ж.Веирнинг айтишича, ундаги ўзгарувчан ижрога асосланган тил билиш даражалари етарли эмас<sup>16</sup>. Шу нуқтаи назардан, ундаги даражалар муаммоли, чунки у CEFR дескрипторларининг ҳар бир даражасида тахмин қилинган тилга оид аниқ маълумотларга эга эмас.

Шунингдек, бошқа тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, даражалар тайёр шаклда келмайди<sup>1718</sup>. Дастур фойдаланувчилари CEFR даражаларини эгаллашда мотивацияга эга бўлмасликлари ва хавотирга тушишлари мумкин. Хусусан, олимларнинг фикрича, кўплаб фойдаланувчиларда CEFR даражаларини тиббий термометрга ўхшаб уларнинг малакасини аниқ белгилайдиган ўлчов воситаси деган янглиш фикр мавжуд, натижада ўрганувчи белгиланган барча кўникмаларга эга бўлиши керак деган хулосага келади. Бу эса CEFR ҳақида етарлича билимга эга бўлмаган фойдаланувчи ўз-ўзини баҳолашда тил билимларини ҳаддан ташқари умумлаштиришига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам CEFRни тадқиқ қилаётган кўплаб изланувчилар унинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида савол туғилганда асосий урғуни уни қандай қилиб жорий этишга беришади. Ваҳоланки, CEFRни мамлакат миқёсида ўзгартирмасдан олиб кириш нотўғри ҳисобланади. Масалан, Х.Бирнеснинг таъкидлашича, “CEFR таркибини бошқа таълим шароитларига содда ва ноўрин равишда ўтказиб юбориш – бу унинг нотўғри талқин қилинишига олиб келади ва шунинг учун ҳам уни турли таълим муҳитида жорий қилишда контекстга аҳамият бериш жуда муҳим саналади”<sup>19</sup>.

Чет тиллар бўйича умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури яратувчиларининг олиб борган изланишлари натижасида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда чет тили фанларини ўқитишда қуйидаги муаммолар кузатилгани маълум бўлди:

- ✓ Мотивацион хусусиятли муаммолар;
- ✓ Мазмун-мундарижа билан боғлиқ муаммолар;
- ✓ Тил билиш даражаси билан боғлиқ муаммолар;
- ✓ Методик характердаги муаммолар;
- ✓ Кадрлар билан боғлиқ муаммолар.

<sup>14</sup> Bonnet G. The CEFR and education policies in Europe // The Modern Language Journal, 91(4), 2007. – P. 671.

<sup>15</sup> Alderson J. C. The CEFR and the need for more research // The Modern Language Journal, 91(4), 2007. – P. 661.

<sup>16</sup> Weir J. C. Limitations of the Common European Framework for developing comparable examinations and tests // Language Testing, 22(3), 2005. – P. 1-20.

<sup>17</sup> Hawkins J. A., & Filipović L. Criterial features in L2 English: specifying the reference levels of the Common European Framework. English Profile Series; Vol. 1. – Cambridge: Cambridge University Press, 2012. – P. 183.

<sup>18</sup> North B. The CEFR in practice. – Cambridge: Cambridge University Press, 2014. – P. 25.

<sup>19</sup> Byrnes H. Perspectives // The Modern Language Journal, 91(4), 2007. – P. 642.

Ушбу лойиҳа билан танишган ҳолда, юқорида санаб ўтилган муаммоларни жадвал кўринишига келтирдик ва мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб, ушбу концепция доирасида қуйидаги ечимларни таклиф этдик (1-жадвалга қаранг):

**1-жадвал**

**Чет тили фанларини ўқитишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари**

Муаммо	Мазмуни	Уларнинг ечимлари
<b>Мотивацион хусусиятли муаммолар</b>	бошланғич ва юқори синфларда тил ўрганишга бўлган иштиёқнинг сустлиги;	таълимда мотивацияни шакллантиришда шахсий-касбий ҳаётни ва соҳадаги муваффақиятга эришган инсонларни намуна сифатида кўрсатиб бериш;
	юқори синфларда асосан ўқитувчи томонидан фаол тарзда (teacher centered method) дарслар олиб борилиши;	ўқувчига марказлаштирилган (learner-centered method) ёндашувни жорий этиш;
	Коммуникатив компетенцияни ўзлаштириш барча ўқувчилар учун бирдек осон эмаслиги;	коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга доир мультилевел (кўпдаражали) ўқитиш техникаларини ишлаб чиқиш;
	ўз устида ишлаш (мустақил изланиш) қобилиятининг етишмаслиги;	ўз устида ишлаш (мустақил изланиш) қобилиятини турли виртуал таълим воситалари (Coursera, OОOK, polyglot expert) орқали шакллантиришни ташкил этиш;
	университетга кириш имтиҳон топшириқларида фақат грамматик ҳамда лексик билим ва кўникмаларининг талаб этилиши;	чет тили фанидан ўқув-методик мажмуалар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини 4 интегратив кўникма (эшитиш, ўқиш, ёзиш, гапириш) асосида такомиллаштириш;
<b>Мазмун-мундарижа билан боғлиқ муаммолар</b>	дарсликлар яратишда хилма-хилликнинг етишмаслиги;	дарсликларни яратишда янги технологиялардан фойдаланиш ва хилма-хилликка оширишда хорижий тажрибани миллий колоритлар билан уйғунлаштириш;
	яратилган дарсликлар бир-бирини мантиқан давом эттирмаслиги, синфлар кесимида дарсликларнинг жуда мураккаблашиб ёки содаллашиб кетганлиги;	Дарсликларни ўзлаштириш даражасига кўра мантиқан синфлаштириш учун уларни даражасига кўра босқичларга ажратиш (starter, beginner, pre-intermediate, intermediate, upper-intermediate, advanced);
	юқори синф дарсликларидаги креатив ва танқидий	Ўқув адабиётларни тайёрлаш-дан аввал ўрганувчилар ўртасида



	фикрлаш қобилиятини ривожлантириш га асосланган кўникмалар қўйи синф дарсликларига етарли даражада киритилмаган лиги;	эҳтиёжлар таҳлили (needs analysis)ни ўтказиб материалларни мазкур таҳлилларга асосан тузиб чиқиш
	юқори синфлардаги дарсликларда янги сўзлар инглиз тилида изоҳланганлиги ва бу кўникмалар қўйи синфдан бошлаб аста-секинлик билан киритилмаганлиги;	хорижий ўқув қўлланмаларни қўшимча ёки муқобил ўқув материаллари сифатида қўллаш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда дарсликлар сифатини ошириш;
	дарсликлар ва бошқа ўқув материалларининг ахборотни ёдлаш ва баён қилишга қаратилганлиги;	Ўқув материалларни бир тилли (монолингуал) изоҳли луғатлар, мавзулаштирилган адабиётлар ҳамда аутентик материаллар билан бойитиш
	ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш ва танқидий фикрлаш, кўникмаларини ривожлантиришга қаратилмаганлиги;	Кўникмаларни ривожлантириш- да ахборотни мустақил излаш ва унга мантиқий шакл беришга ёрдам берувчи онлайн платформалар, маълумотлар база (sketch engine, H5P) ларидан мустақил фойдаланиш- ни йўлга қўйиш;
	синфлар кесимида белгиланган билим, кўникма ва малака даражалари талабини бажаришда ўқувчиларда учраётган қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини тузишдаги муаммолар;	Мавжуд қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда психолог-мутахассислар ва ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш, турли тренинглар, давра суҳбатларини ташкил этиш;
<b>Тил билиш даражаси билан боғлиқ муаммолар</b>	амалдаги Давлат стандартида белгиланган чет тиллари даражаларининг мослигини таъминлашдаги номуносивликлар;	Давлат стандартида белгиланган чет тиллари даражаларининг мослигини CEFRдаги талаблар билан уйғунлаштирган ҳолда амалиётда қўллаш;
	бошланғич ва юқори синфларда методларнинг тўғри йўналтирилмаганлиги;	таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш ҳамда ўқитиш методикасини такомиллаштириш;
<b>Методик характердаги муаммолар</b>	республика бўйлаб ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиладиган қўшимча дарс соатларида ҳар хилликнинг вужудга келганлиги;	қўшимча дарс соатларини ягона қолипда бўлишини таъминлашда метод бирлашмалари ҳамда ўқув-услугий тузилмалар ўртасидаги яқдилликни таъминлаш;
	ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларининг билим ва	Ихтисослашган таълим муассасаларида назоратнинг

	қўникмаларини ташқи назорат қилиш қийинчиликларини келтириб чиқарганлиги;	замонавий шаклларини (ўз-ўзини баҳолаш, бир-бирини назорат ишларини баҳолаш, онлайн платформалар (Survey Monkey, Kahoot) ва ҳоказолар жорий этиш;
	ҳозирги малака ошириш тизими ўқитувчилар учун мос эмаслиги;	Малака ошириш тизимини ҳар бир таълим муассасасининг ўқув жараёнидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган курслар шаклида ташкил этиш
	Педагог-кадрларни ишга қабул қилишда аниқ методик мезонларнинг мавжуд эмаслиги;	таълим муассасаларида ишга қабул қилиш ҳақидаги низомга қўшимча равишда мавжуд педагогик эҳтиёжга жавоб бера оладиган кадрларни қабул қилишни кўзда тутувчи аниқ талаблар ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш;
Кадрлар билан боғлиқ муаммолар	АКТни қўллаш орқали ўқитувчиларни масофадан қайта тайёрлаш механизми йўлга қўйилмаганлиги;	Чет эл тажрибасига асосан АКТлар воситасида ўқитувчи-ларни масофадан қайта тайёрлаш механизмини йўлга қўйиш ва модернизация қилиш.
	юқори малакали ва тажрибали педагогларнинг етарли билимга эга эмаслиги сабабли (инглиз тили ёки компьютер саводхонлиги бўйича) аттестациядан ўтолмасликлари	ДТМ базасида педагог-ҳодим-лар ҳамда битирувчи кадрлар учун хорижий тил ва компьютер саводхонлиги курсларини ташкил этиш, мазкур курслар мазмунини малака ошириш дастурларига мунтазам сингдириб бориш.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида муаммолар ва камчиликлар мавжуд эканлиги аниқланди ва ечимлар таклиф этилди. Шундан келиб чиқиб, бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини CEFR орқали ривожлантириш ва шакллантириш муҳимлиги яна бир бор исботланди.

Диссертациянинг “**Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини компетенциялар орқали ривожлантиришнинг зарурати ва баҳолаш принциплари**” деб номланган иккинчи бобида “компетенция” атамасининг асл келиб чиқиши, “компетентлик” ва “компетенциявий ёндашув” тушунчалари билан боғлиқлиги, CEFRда компетенциялар атамасига берилган таъриф, ундаги умумий ва коммуникатив компетенциялар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган.

Қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ҳозирги кунда чет тилини билиш даражаси мамлакат миқёсида аста-секинлик билан ривожланиб бормоқда. Бунга сабаб чет тилини ўқитиш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар, олимларимиз ва ёш изланувчиларимиз томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ва изланишлар десак муболаға бўлмайди. Айнан ўша изланишлар натижасида бошқа соҳаларда бўлгани сингари чет тилини ўқитиш соҳасида ҳам сўнгги йилларда “компетенция”,

“компетентлилик” ва “компетенциявий ёндашув” тушунчалари кенг оммалашди. Айтиб ўтилган ҳар бир атаманинг ўзига хос жиҳатлари, маъно-мазмуни бўлгани боис, биз ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик. Демак, “компетенция” атамасига келадиган бўлсак, у асли келиб чиқиши лотинчадан олинган бўлиб, унга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да<sup>20</sup> қуйидагича таъриф берилган, яъни [лот. *competere* лаёқатли, муносиб бўлмоқ, ёки *competo*-эришяпман, муносибман, лойиқман] деган маъноларни билдиради.

А.Х.Махмудов компетентлик тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Компетентлик - бу бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир кўрсатувчи интегратив билим, кўникма ва малакаларнинг алоҳида қирраларини (когнитив компонент) ҳамда ижтимоий-муҳим сифатларини (қабул этилаётган қарорга тайёрлик, лаёқатлилик ва масъулиятлилик) қамраб олган шахснинг интегратив сифатидир (ижтимоий-психологик компонент) ҳисобланади”<sup>21</sup>.

Ўқитувчи компетенцияси ҳақида гапирадиган бўлсак, у талабаларга билим, дастур ва кўникмаларни етказишнинг тўғри усули бўлиб, ўқитувчининг ўқитиш шароити билан ҳам боғлиқ жараён ҳисобланади. Малакали ўқитувчилар ўқувчиларнинг билим олишлари учун қулай бўлган шароитларни яратадилар. Бунинг учун эса уларда турли компетенцияларнинг ривожланган бўлиши ва улар CEFRда назарда тутилган умумий ва коммуникатив компетенцияларни обдон билишлари керак бўлади.

Фикримизча, CEFR ҳужжатида назарда тутилган умумий компетенциялардан бўлажак ўқитувчи учун муҳими ижтимоий-маданий ва маданиятлараро хабардорлик компетенцияси бўлиб, у ўрганилаётган чет тилининг барча ижтимоий ва маданий қонуниятларини ўрганган ҳолда келажак авлодга етказишдек бурчни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шунингдек, бунда бўлажак ўқитувчи ўзининг маданиятлараро хабардорлик компетенциясини ҳам ривожлантиради. Шу билан бир қаторда экзистенциал компетенция ҳам муҳим бўлиб, у бўлажак ўқитувчининг ўзига бўлган ишончини орттиради ва етук шахс ва комил инсон даражасигача етказилади. Бунда унинг дунёқараши, тилни ўрганиш ва ўргатишга бўлган иштиёқи ёки мотивацияси ошади. Умумий компетенцияларнинг яна бир асосий жиҳати ўрганиш қобилиятини шакллантириш бўлиб, бунда мустақил таълим олиш, ахборотни қабул қилиш, тушуниш ва етказиш ҳамда янги технологиялар ва АКТдан фойдаланиш компетенциялари муҳим саналади.

Бизнингча, юқорида тилга олинган ва CEFRда келтирилган компетенциялар бўлажак чет тили ўқитувчиси учун муҳим бўлсада, яна бир қатор CEFRда инобатга олинмаган компетенциялар ҳам борки, улар ҳам ҳар бир бўлажак ўқитувчи учун келажакда муҳим роль ўйнайди. Улардан бири педагогик компетенция бўлиб, ушбу компетенция бўлажак ўқитувчиларга

<sup>20</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б.

<sup>21</sup> Махмудов А.Х. Бўлажак магистрларни компетентли тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш. Автореф. пед. фан. докт. (DSc). – Т.: 2017. – Б. 16.

дарсларни ташкил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш, лойиҳалаштириш фаолияти, кўп ҳолатларда мослашувчан ва ижодий муносабатда бўлиш, ўқувчиларни тушуниш, уларнинг тилларини такомиллаштириш, ўқувчиларни илҳомлантириш, уларнинг қобилиятларидан қатъи назар ҳамма нарсага жалб қилиш ва синфхонада яхши тингловчи бўлиш имкониятини беради<sup>22</sup>.

Юртимиз олимлари Н.Атаева, М.Салаева ва С.Ҳасанов томонидан яратилган “Умумий педагогика” ўқув қўлланмасида педагогик маҳоратга бир қанча таърифлар берилган. Улардан бири: “Педагогик маҳорат – ўз касбининг моҳир устаси бўлган юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган ёндош соҳаларни яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукамал эгаллаган ўқитувчи-тарбиячи”<sup>23</sup>.

Изланишларимиз натижасида биз бўлажак ўқитувчи учун муҳим бўлган CEFRда тилга олинган ҳамда олинмаган компетенцияларни кўриб чиқдик ва уни қуйидаги жадвалда умумий кўрсатишга қарор қилдик (2-жадвалга қаранг):

## 2-жадвал

### Бўлажак ўқитувчилар учун муҳим бўлган компетенциялар турлари

CEFR ҳужжатида қайд этилган компетенциялар	CEFR ҳужжатида қайд этилмаган компетенциялар
